

Аҳоли дарду муаммоларини бартараф этиш - асосий масала



Аҳоли дарду муаммоларини бартараф этиш- асосий масала

Сўнгги йилларда, аҳоли дарду муаммоларини ўрганиб, бартараф этиш, халқ фаровонлигини таъминлаш борасида Сух туманида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Зеро, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – халқ фаровонлигини таъминлаш, аҳолини рози қилишдан иборат. Шу сабаб, президент ташаббуси билан мамлакатимизда секторлар фаъолияти йўлга қўйилган бўлиб, бу тизимнинг самарали фаъолияти тўғрисида халқнинг муаммолари бартараф этилмоқда. Аммо бу борада йўл қўйилган камчиликлар, ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳам йўқ деб бўлмади. Мавжуд муаммоларни ўз вақтида ўрганиб, бартараф этиш мақсадида Сух туманидаги иккинчи сектор тамонидан эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқ учун хизмат қилади»- деган эзгу ғоя бугун амалда узифодасини топмоқда. Тумандаги иккинчи сектор ҳудудида ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари сайёр қабуллар ўтказилиб, сектор раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сух туман Халқ қабулхонаси раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ хонадонларга кириб бормоқдалар. Иккинчи сектор ва туманда фаъолият курсатаётган бош вазир қабулхонаси ҳамкорлигида сектор ҳудудида тадбиркорликни янада ривожлантириш, мавжуд муаммоларни ўрганиб, ўз жойида бартараф этиш мақсадида йил давомида бир нечта сайёр қабуллар ўтказилди. Натижада, тадбиркорлик мазкур ҳудудда ривожланиб, кенг кулоч ёзмақда.

Мазкур секторнинг самарали фаъолияти тўғрисида ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг дарду муаммолари бартараф этилиб, уларнинг яшаш тарзи тобора фаровонлашиб бормоқда.